

Мавзу:

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланувчи субъектлар, ерлардан фойдаланишда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Режа:

- 1. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчи субъектлар тўғрисида тушунча.**
- 2. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар**
- 3. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

- Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига – товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;
- тажриба – ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув – тажриба ва ўқув – ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий – тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига илмий – тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибаларни тарғиб қилиш учун;
- Ўзбекистон Республикаси фуқороларига – фермер хўжалиklarини юритиш учун;
- Ўзбекистон Республикаси фуқороларига – деҳқон хўжалиklarини юритиш, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;
- Ўзбекистон Республикаси фуқороларига – жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва ўзумчилиги учун;
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга – ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар
- Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилишни амалга оширувчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар;

-ўзларига ўзоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланилган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган фермер хўжаликлари;

-ўзига берилган ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни ва уни реализация қилишни амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари;

-жамоа боғдорчилиги, ўзумчилиги ва полизчилиги маҳсулотини етиштириш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи боғдорчилик – ўзумчилик ва полизчилик ширкатлари;

-ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисмини реализация қилган тақдирда ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари;

Таъкидлаш ўринлики суғориладиган ерлар тупроқ шароити, шўрланиш даражаси, гипсинг мавжудлиги, тошлоқлилиги, эрозияги мойиллиги ва бошқа хусусиятлари билан фарқланади.

Мамлакатимизда ўртача Республика баллидан юқори ерлар Тошкент (59) ва Наманган (59) вилоятларида аниқланган. Ўртача баллга тенг ва шунга яқин ерлар эса Андижон (57), Самарқанд (57), Сурхондарё (56), Фарғона (56) ва хоразм (54) вилоятларида мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қолган вилоятларда бу кўрсаткич Республиканинг шртача баллидан (55) паст ҳисобланади.

Демак, юқоридаги ҳолатлар шуни курсатмоқдаки, ўзига хос туман бонитет боллидан 20 % кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради ва улар алоғида муғофаза қилиниб, фойдаланилади.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар”, “Ер кадастри тўғрисида”ги қонунлари ва “Ер кодекси” ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига асосан, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

**Қишлоқ хўжалик ерларидан
фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва
мажбуриятлари.**



Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - фермер хўжаликларини юритиш учун ҳам тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари, шунингдек, фуқароларга жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги билан шуғулланиш учун ҳам тақдим этилиши мумкин бўлиб, бундай мақсадда қишлоқ хўжалиги ерларининг берилиши умумий асосларга кўра ҳал этилади. Жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги фуқароларнинг мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга йўналтирилган бўлиб, бундай фаолиятни рағбатлантиришга сўнгги вақтларда давлатимизда алоҳида эътиборга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан 2006 йил 11 январидан қабул қилинган “Мева ва сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли қарори ҳам фуқароларнинг жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги юритиш билан боғлиқ фаолияти янада ривожлантиришга туртки бўлди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

- 1) бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;
- 2) зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;
- 3) ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;
- 4) мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;
- 5) хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;
- 6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;
- 7) қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;
- 8) ушбу Кодексга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизнинг мавжуд ерларидан, жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлатимизни экологик ва аграр сиёсати бўлиб, у сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда географик аҳамиятга эга.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44,9 млн.гектар бўлиб, шундан, қишлоқ хўжалиги тармоғига ажратилган ерлар 28 млн.гектарни (яъни 62% ни) ташкил этади. Шундан 23 млн. Гектари саҳро ерларида жойлашган яйловлар, 0,7 млн.га яқин лалми ҳайдаладиган, 4,3 млн.га яқини эса суғориладиган ерларни ташкил этиб, бу 15% ҳудудни ўз ичига олади. Эътиборли томони шундаки, бозор шароитида ушбу ерларга катта эътибор берилиши лозимдир, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95% ана шу тоифадаги ерлардан олинади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар мазкур модданинг 8 –бандига кўра бошқа қонун ҳужжатларида кўрсатилган, ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни кўришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш мазкур модда талабига ҳам бевосита таалуқли бўлади. Масалан : “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасининг, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунинг 16- моддаси, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 10- моддаси, “Ер кодексин”нинг 40-моддаси “Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг 21-22 моддаларида кўрсатилган мажбуриятларни ҳам бажаришлари ва унга қатъий амал қилишлари амалдаги қонун талабларини мустахкамлайди.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бериш тартиби Ер кодексининг 58-моддасида белгилаган тартиб ва шартларда берилади. Унга мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилади.

Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқоқ, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ҳамда Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан умум белгиланган тартибда солиқ тўловчиларга етказилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг, ер участкаси мулкдорлари, эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан, сифати ёмонлашган тарзда (бонитет бал пасайса), ер солиғи ерларнинг сифати ёмонлашгунга қадар белгиланган ставка бўйича ундирилади.

Ажратилган ер майдонларидан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баробар ортиқча қилиб ундирилади.

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш

Фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигини юритиш учун:

захирадаги ерлардан ер участкалари;

юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари; қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари берилади.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш (реализация қилиш)

Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса-суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек ошхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар уйларини, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шу кабиларни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларни ҳам доимий эгаллик қилишга бериши мумкин.

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган
ерларни қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги корхоналар,
муассасалар ҳамда ташкилотларга бериш тартиби ва шартлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилади. Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайтдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқоқ, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.